



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

5 ЖИЛД, 8 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 5, НОМЕР 8

LOOK TO THE PAST

VOLUME 5, ISSUE 8



ТОШКЕНТ-2022

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**  
тарих фанлари доктори,  
профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бобожонова Дилором Бобожонова**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари  
университети

**Юнусова Хуршида Эркиновна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Кебадзе Мадонна**  
тарих фанлари доктори,  
Телави давлат университети

**Аширов Адхам Азимбаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Агзамова Гулчеҳра Азизовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Бурдиашвили Майя**  
тарих фанлари доктори,  
Телави давлат университети

**Кожакеева Ляззат Темировна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика  
университети

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**  
тарих фанлари доктори,  
Тошкент кимё - технология институти

**Дорошенко Татьяна Ивановна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Ширванова Тарана Амирага кызы**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Азербайджон давлат  
иқтисодиёт университети

**Гофоров Шокир Сафарович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Самарқанд давлат университети

**Эргашева Юлдуз Алимовна**  
Тарих фанлари доктори, профессор,  
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт  
институти

**Теймураз Ахалмосулишвили**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Телави давлат университети

**Халикова Рахбар Эргашевна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент давлат техника университети

**Ишанходжаева Замира Райимовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Эшов Боходир Жўраевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Қариши давлат университети

**Махкамova Надира Раҳмановна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент ахборот технологиялари  
университети

**Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Нукус давлат педагогика институти

**Мустафаева Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари доктори  
Ўзбекистон Фанлар академияси

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Джоробекова Айнуэр Эшимбековна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Қозоғистон дипломатия академияси

**Раҳмонкулова Зумрад Бойхуразовна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Расулов Абдуллажон Нуридинович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Наманган давлат университети

**Ковалев Борис Николаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Санкт-Петербургда Тарих институти

**Кобзева Ольга Петровна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Ауанасова Алима Мусировна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Қозоғистон давлат тарихи институти

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор,  
Қозоғистон Миллий университети

**Хайдаров Муродилла Махмудалиевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Алнева Лале**  
тарих фанлари доктори,  
Озарбайжон давлат университети

**Санпова Камола Давляталиевна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Исмаилова Алмаз**  
тарих фанлари доктори,  
Догистон мустақил университети

**Иноятова Диларам Маниглиевна**  
Тарих фанлари доктори (DSc)  
Ўзбекистон Миллий университети

**Одилов Аброр Анварович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Толибоева Нодира Одилжоновна**  
Тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), Ўзбекистон жаҳон  
тиллари университети

<b>1. Алима Ауанасова, Еркеш Нурпеисов</b> КОНЦЕПТУАЛЬНЫЕ ПОДХОДЫ И ВЫВОДЫ В ИЗУЧЕНИИ СОВЕТСКОГО ТОТАЛИТАРИЗМА И ГУМАНИТАРНОЙ КАТАСТРОФЫ В 30-Е ГГ. XX СТОЛЕТИЯ В КАЗАХСТАНЕ.....	4
<b>2. Шеркўзи Абдуллаев</b> СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЖАМОАЛАШТИРИШ СИЁСАТИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ.....	10
<b>3. Бахромжон Ахмаджонов</b> ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҲАЁТИДА КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ.....	16
<b>4. Дилшод Комолов</b> ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ СУД ТИЗИМИНИНГ ИНҚИРОЗГА УЧРАШИ (1980-1991 йиллар мисолида).....	22
<b>5. Абдулносир Бобамирзаев, Бекжон Қурбонов</b> “МУБАЙЙИН” АСАРИ ИСЛОМ ТАРИХИ ВА ҲАНАФИЙ МАЗҲАБИДА МУҲИМ МАНБА.....	37
<b>6. Нигорахон Исмоилова</b> XX АСРНИНГ ДАСТЛАБКИ ЎТТИЗ ЙИЛЛИГИДА ЖАМИЯТНИНГ ИЖТИМОЙ СТРАТИФИКАЦИЯСИДА АЁЛЛАР ФЕРМЕНТИ: АНЪАНАВИЙЛИК ВА ЎЗГАРИШЛАР.....	42
<b>7. Нилуфар Рахматова</b> КАСАНАЧИЛИКНИНГ ХОТИН-ҚИЗЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ.....	49
<b>8. Асрор Турсунов</b> ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСЛАРИ ЎРТАСИДА ҲАМКОРЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ЯРАТИЛИШИ.....	54
<b>9. Гавҳар Турсунова</b> РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ТОМОНИДАН СИРДАРЁ ВИЛОЯТИГА АҲОЛИНИНГ Кўчириш сиёсати жараёнида солиқ тизимида бўлган ўзгаришлар.....	61
<b>10. Абдуқодир Тошпўлатов, Шавкатжон Жумаханов</b> ЎЗБЕКИСТОН Қўшничилик муносабатларининг янги давр геосиёсий МАНЗАРАСИ.....	67
<b>11. Нодира Холмонова</b> ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АРХИВ ФОНДИ ҲУЖЖАТЛАРИДА ХИВА – РОССИЯ ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАРИНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ.....	81
<b>12. Авазбек Юлдашев</b> МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИ.....	87



**Абдуқодир Махаммаджон ўғли Тошпўлатов,**  
Наманган давлат университети  
География мутахассислиги магистранти,  
Улуғбек номли Давлат стипендияси соҳиб  
**Шавкатжон Заиржанович Жумаханов,**  
Наманган давлат университети География  
кафедраси доценти, география фанлари номзоди

## ЎЗБЕКИСТОН ҚЎШНИЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЯНГИ ДАВР ГЕОСИЁСИЙ МАНЗАРАСИ

**For citation:** Abdukodir M. Toshpulatov, Shavkatjon Z. Jumakhanov. THE GEOPOLITICAL LANDSCAPE OF UZBEKISTAN'S NEIGHBORLY RELATIONS IN THE NEW ERA. Look to the past. 2022, vol. 5, issue 8, pp.67-80

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7218993>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолият концепциясининг асосий йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, қўшни Марказий Осиё мамлакатлари билан сўнгги йиллардаги дўстона муносабатлари ёритиб берилган. Шунингдек, Марказий Осиё мамлакатларининг табиий-географик, иқтисодий ва ижтимоий географик, тарихий ва геосиёсий хусусиятлари таҳлил этилган. Қўшимча тарзда, минтақа мамлакатлари ўртасидаги қўшничилик муносабатларини янада такомиллаштиришга қаратилган айрим тавсия ва таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, “Тошкент декларацияси”, савдо-иқтисодий алоқалар, давлат, транзит, делимитация, демаркация, эксклав, анклав, геосиёсий муносабатлар.

---

**Абдуқадир Махаммаджон угли Тошпўлатов,**  
Магистр Наманганского государственного университета  
по специальности География,  
обладатель государственной стипендии имени Улугбека.  
**Шавкатжон Заиржанович Жумаханов,**  
Наманганский государственный университет,  
доцент кафедры географии, кандидат географических наук

## ГЕОПОЛИТИЧЕСКАЯ КАРТИНА ДОБРОСОСЕДСКИХ ОТНОШЕНИЙ УЗБЕКИСТАНА В НОВОЕ ВРЕМЯ

## АННОТАЦИЯ

В статье освещаются дружественные отношения Республики Узбекистан с соседними странами Центральной Азии в последние годы, исходя из основных направлений концепции внешней политики Республики Узбекистан. Также анализируются физико-географические, экономические и социально-географические, исторические и геополитические особенности стран Центральной Азии. Кроме того, были даны некоторые рекомендации и предложения по дальнейшему улучшению добрососедских отношений между странами региона.

**Ключевые слова:** социально-экономические отношения, «Ташкентская декларация», торгово-экономические отношения, государство, транзит, делимитация, демаркация, эксклав, анклав, геополитические отношения.

**Abdukadir M. Tashpulatov,**  
Namangan State University, Master's degree in geography,  
Holder of Ulugbek State scholarship  
**Shavkatjon Z. Jumakhanov,**  
Namangan State University,  
Associate Professor of the Department of Geography,  
Candidate of Geographical Sciences

## THE GEOPOLITICAL LANDSCAPE OF UZBEKISTAN'S NEIGHBORLY RELATIONS IN THE NEW ERA

## ABSTRACT

The article highlights the friendly relations of the Republic of Uzbekistan with neighboring Central Asian countries in recent years, based on the main directions of the concept of foreign policy of the Republic of Uzbekistan. It also analyzes natural-geographical, economic and social-geographical, historical and geopolitical features of the Central Asian countries. In addition, some recommendations and suggestions were made to further improve neighborly relations between the countries of the region.

**Index Terms:** socio-economic relations, "Tashkent Declaration", trade and economic relations, state, transit, delimitation, demarcation, exclave, enclave, geopolitical relations.

**Кирриш.** Ўзбекистон бугун яқин қўшничилик, дўстлик тамойилларига таянган ҳолда фаол ва прагматик сиёсат олиб бормоқда. Минтақа мамлакатлари билан сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-логистика ҳамда маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорлик алоқалари жадал суръатларда ривожлантирмоқда. Шунингдек, энергетика, сув ва экология масалаларида ўзаро манфаатли муносабатлари йўлга қўйилмоқда. Тарихан қисқа вақт мобайнида Марказий Осиёда принципиал жиҳатдан мутлақо янги геосиёсий макон яратилди.

Ўзбекистон Республикаси – ўзининг географик ўрни, минтақадаги барча мамлакатлар билан чегарадошлиги туфайли, ўзаро қўшничилик муносабатларида катта қулайлик яратади. Бироқ, Ўзбекистон 2016 йилгача бўлган даврда Марказий Осиё геомаконида давлат чегараларининг тўсиқ функциялари уларнинг алоқа ва транзит функцияларига нисбатан анча кўпроқ намоён бўлди. Чунончи, Ўзбекистоннинг ҳудудий макон хусусиятлари, аниқроғи унинг географик ўрни, ички ва ташқи сиёсатни танлаш ҳамда амалга оширишда катта аҳамиятга эга. Мамлакат бугунги кунда қўшни давлатлар ўртасида боғловчи (интеграторлик) ҳалқа вазифасини бажармоқда. Буларнинг барчаси республиканинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви, чет эл инвестицияларини жалб қилиш, мамлакатни давлатлар ўртасида ўзаро фойдали ҳамкорлик, товарлар ва капитал транзитининг ўзига хос минтақавий марказига айлантиради. Ўзбекистон ўз атрофидаги тўрт ядровий давлат – Россия, Хитой Халқ Республикаси, Ҳиндистон ва Покистон билан, уларнинг бирортасига ён босиш ёки яқин ҳарбий ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсатни олиб бормайди [28]. Ўзбекистон суверен давлат сифатида, дунёдаги ҳар бир мамлакат билан тенг ҳуқуқли яқин қўшничилик, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорлик сиёсатини олиб бораётганлиги

туфайли ҳам мамлакатда устувор барқарор вазият вужудга келди ва натижада, ўзи танлаган йўлдан собитқадамлик билан ривожланиб бормоқда.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Марказий Осиё минтақаси ўзининг муҳим геосиёсий жойлашувидан келиб чиққан ҳолда, Ғарб ва Шарқ мутахассислари томонидан илмий жиҳатдан тадқиқ қилиниб келинган. Хусусан, минтақанинг геосиёсий вазияти, трансиллий ва анклав/экслав муаммоларига оид изланишларда хорижий тадқиқотчилардан Э.Шулер [11], М.Катудал [1], Н.Мегоран [5], П.Ратон [8], Г.Робинсон [9], Б.Уайт [12], Д'Оливье Фарран [2], М.Пиетквисиз [7], Б.Фазандеиро [3]; Т.Зверинцева [43], Ю.Рожков-Юрьевский [20], В.Зайцев [42], Е.Ю.Винокуров [15], ҳамда Марказий Осиёлик мутахассислардан Р.Габдулҳақов [4], А.А.Аубакирова [14], В.Н. Федорко [26, 27], С.Сафоев [23], С.Аламанов [13], М.Саидов [21], М.Суюнов [24], А.Т.Жалилов [16, 17], Ш.Жумаханов [18, 19], А.Тошпўлатов [25] кабиларнинг тадқиқот ва илмий ишлари аҳамиятли ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари.** Мазкур тадқиқотнинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолият концепциясининг асосий йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, қўшни мамлакатлари билан сўнгги йиллардаги дўстона муносабатлари таҳлил қилишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун ишда қуйидаги **вазифалар** белгиланди ва тадқиқот жараёнида ўз ечимини топди: Ўзбекистоннинг сиёсий географик ўрнини таҳлил қилиш; Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат юритиш концепциясидан келиб чиққан ҳолда чегарадош мамлакатлар билан савдо-иқтисодий ва маданий алоқаларини тавсифлаш; Марказий Осиё минтақасида шаклланаётган яхши кўшничилик муносабатларини Ўзбекистон позицияси нуқтаи назаридан ёритиб бериш; интеграцион уюшмаларга аъзо бўлиш баробарида Ўзбекистоннинг геосиёсий ва геоиқтисодий ўрнини мустаҳкамланиб боришини таҳлил қилиш.

**Асосий қисм.** Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон ҳукумати минтақадаги барқарор вазиятни сақлаб қолиш йўлида қуйидаги асосий жиҳатлардан иборат бўлган Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолият концепциясини қабул қилган бўлиб, унда мамлакат ташқи сиёсатининг асосий жиҳатлари акс эттирилган. Жумладан:

1. Ўзбекистон Республикаси давлатнинг, халқнинг олий манфаатларига, унинг фаровонлиги ва хавфсизлигига, мамлакатни модернизация қилишнинг устувор йўналишларига, амалдаги миллий қонунчилик ҳамда қабул қилинган халқаро мажбуриятларга амал қилган ҳолда иттифоқлар тузиш, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириш, шунингдек, улардан чиқиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади;

2. Ўзбекистон Республикаси қўшни давлатлардаги ҳарбий можароларга ва танг вазиятларга тортилишининг олдини олиш юзасидан сиёсий, иқтисодий ва бошқа чоратadbирларни кўради, шунингдек, ўз ҳудудида хорижий давлат ҳарбий базалари ва объектлари жойлаштирилишига йўл қўймайди;

3. Ўзбекистон тинчликсевар сиёсат юритади, ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмайди, ҳар қандай давлатлараро тузилмалар ҳарбий-сиёсий блокка айланган тақдирда улардан чиқиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади;

4. Ўзбекистон Республикасининг конституциясига, «Мудофаа тўғрисида»ги қонунига ва Ҳарбий доктринасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари фақат давлат суверенитети ва мамлакат ҳудудининг яхлитлигини ҳимоя қилиш, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини асраш мақсадидагина тузилади ҳамда хориждаги тинчликпарварлик операцияларида иштирок этмайди» [30].

Хусусан, сўнгги беш йилликда мазкур концепцияга айрим ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, мамлакатнинг замонавий геосиёсий манфаатларига мослаштирилди. Чунончи, мамлакат Президенти Ш.М.Мирзиёев 2018 йилда 18 та давлатлараро расмий ташрифлар амалга оширди ва, бу орқали, 52 миллиард долларлик 1080 та лойиҳа бўйича келишувларга эришилди [50].

2019 йилдан жаҳонда бошланган COVID-19 пандемияси халқаро расмий давлат ташрифлари учун тўсиқ бўлган бўлсада, онлайн келишувларни амалга ошириш ва гуманитар

ёрдам кўрсатиш ишлари баробарида кўплаб давлатлар билан ўзаро алоқалар янада мустаҳкамланди.

Ўзбекистон асосий эътиборини минтақа яхлитлигини таъминлаш, қўшничилик алоқаларини янада мустаҳкамлаш ва халқаро муносабатларни жадаллаштириш орқали иқтисодий-ижтимоий вазиятни янада интеграциялаштиришга қаратмоқда. Шу ўринда, 2017 йил мамлакат Ўзбекистон Республикаси Президентининг: “Биз қўшниларимиз билан сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш, чегараларни белгилаш, ўтиш пунктларини очиш, транспорт қатновини қайта тиклаш ва кенгайтириш каби кўплаб нозик масалаларнинг ечимини топдик” [32] деган сўзларини келтириш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунончи, Ўзбекистоннинг қўшни Марказий Осиё давлатлари билан трансчегаравий сув-энергетика ресурсларидан фойдаланишлари соҳасидаги ўзаро муносабатларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, минтақадаги трансчегаравий дарёларнинг сув-энергетика ресурсларидан ўзаро ҳамжиҳат бўлиб фойдаланишдаги ҳамкорликнинг тикланишида 2018-2021 йилларда амалий қадамлар қўйилди. Ҳозирги кунда сув хўжалиги бўйича мавжуд бўлган трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланишга алоқадор барча муаммолар ўзаро манфаатли қарорлар асосида ечимини топмоқда [23]. Шунингдек, Ўзбекистон минтақа мамлакатлари, хусусан, Тожикистон ва Қирғизистон билан энг нозик масалалар ечимида, айниқса, давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш борасида прагматик ёндашиб, тарихий келишувларга эришмоқда.

Қўшни мамлакатлар чегарадош худудлари даражасида алоқалар кенгайиб бораётгани, халқ дипломатияси механизмларидан фаол фойдаланилаётгани ҳам минтақа давлатлари муносабатларини мазмунан бойитмоқда. Бинобарин, савдо-иқтисодий алоқалар ҳам сезиларли даражада фаоллашди. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан товар айланмаси бир неча баробар ортди. Ҳамкорликнинг ўсиб бораётган суръатларидан минтақадаги барча мамлакатлар реал фойда олмоқда. Чунончи, Ўзбекистоннинг қўшни мамлакатлар билан умумий ташқи савдо айланмаси 2015 йилда 3 765,4 млн долларни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2020 йилда 5 727,6 млн долларга етди ёки кейинги 5 йилда 152,1 фоизга ўсди [35]. Жумладан, 2015 йилда Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан ташқи савдо айланмасининг 7/10 қисми Қозоғистонга тўғри келган. Кейинги йилларда минтақадаги интеграция жараёнларининг жадаллашуви натижасида, бошқа чегарадош давлатлар билан ташқи иқтисодий алоқалар динамик тарзда ортди. Хусусан, делимитация-демаркация, транзит йўллардан фойдаланиш муаммоси ва трансчегаравий сув ресурслардан фойдаланиш каби муаммолар сабаб Ўзбекистон билан муносабатлари суст бўлган Қирғизистон билан савдо ҳажми 136,0 млн доллардан 903,2 млн долларга (6,6 баробар), Тожикистон билан 167,3 млн доллардан 501,9 млн долларга (3,0 баробар) ортди (1-чизма).

**Ўзбекистон – Афғонистон муносабатлари.** Марказий Осиёнинг жанубий худудларига туташган Афғонистон Ислом Республикасидаги бир неча йиллардан буён давом этиб келаётган уруш ҳаракатлари натижасида, мамлакатда янги бошқарув тизими шаклланди. Марказий Осиё мамлакатларининг манфаатлари минтақада халқаро транспорт йўлаклари ва халқаро транспорт инфратузилмасини биргаликда яратишга мос келади, бу эса минтақа мамлакатларидан жаҳон бозорларига экспорт маҳсулотларини етказиб беришда транспорт харажатларини камайтиришга ёрдам беради. Афғонистондаги сиёсий вазиятнинг кескинлашуви ушбу мақсадларга эришишни кечиктириши мумкин. Шу жиҳатдан, мустақил Ўзбекистон ва Афғонистон муносабатларини икки босқичга бўлиб таҳлил қилиш ўринли бўлади:

1. Республика бошқарувидаги Афғонистон ҳукумати.


2. “Толибон” ҳаракатининг ҳукумат тепасига келиши ва амирлик бошқаруви шаклланиш жараёнидаги Афғонистон ҳукумати.

*Биринчи босқич.* Афғонистонда узоқ вақт давомида ҳукумат ва “Толибон” ҳаракати ўртасида давом этган уруш ҳаракатлари Марказий Осиё давлатларига “илиқ денгизлар”даги портларга чиқиш ва, шу йўл билан, жаҳон хўжалик алоқалари тизимига қўшилиш имконини берадиган янги транспорт–коммуникацияларини очиш йўлида асосий ғов бўлиб келди [28, -Б.


120]. Шу муносабат билан, 2018 йилнинг март ойида Афғонистон бўйича Тошкент конференцияси ўтказилди. Анжуман якуни бўйича қабул қилинган, унинг барча қатнашчиларининг яқдил позицияси ифода этилган “Тошкент декларацияси” Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича ўзига хос Дастур бўлди. Айнан ушбу конференциядан сўнг Афғонистондаги барча сиёсий кучлар, жумладан, “Толибон” ҳаракати иштирокида музокаралар жараёнини бошлашга қаратилган халқаро ҳаракатлар янада фаоллашди. Афғонистонда тинчликнинг қарор топиши натижасида, нафақат Марказий Осиё, балки жаҳондаги “оғриқли нуқта”лардан бирига барҳам берилган бўлади. Чунки, у террористик ва экстремистик “функция”га эга эканлигидан ташқари, наркобизнес ўчоғи ҳамдир. Юқоридаги ҳолатларни инобатга олган ҳолда, минтақа мамлакатлари Афғонистондаги вазиятни яхшилаш бўйича тизимли ишларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, Ўзбекистоннинг Афғонистон масаласи бўйича томонлараро ўзаро ҳамкорлигини қуйидагиларда кўриш мумкин:

- Сурхондарё вилоятидан Афғонистоннинг Боғлон вилояти Пули-Хумри шаҳригача 260 км узунликдаги "Сурхон – Пули-Хумри" электр узатиш линиясини қуриш лойиҳасини амалга оширилиши;
- Мозори Шариф – Ҳирот темир йўл линиясини қуриш бўйича қўшма лойиҳаси амалга оширилиши;
- Термизда “ўзбек-афғон” таълим марказининг очилиши;
- Афғон капитали иштирокида ҳамкорликдаги қўшма корхоналарнинг ташкил этилиши ва ҳ.к.

Ўзаро ҳамкорликнинг кучайтирилиши натижасида Афғонистон билан ҳам алоқалар анчайин жадаллашди (1-расм).



2015 йилда Ўзбекистоннинг чегарадош мамлакатлар билан ташқи савдо айланмаси



2020 йилда Ўзбекистоннинг чегарадош мамлакатлар билан ташқи савдо айланмаси

1-расм. Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан ташқи савдо айланмаси (2015-2020 йиллар)

Умуман олганда, бу босқичда Ўзбекистон-Афғонистон муносабатлари динамик равишда ўзгариб турган. Сўнгги беш йилликдаги “Янги Ўзбекистон – янги кўшничилик” тамойили натижасида алоқалар муттасил ижобийлашиб борди. Чунончи, 2015 йилда Ўзбекистоннинг Афғонистон билан ташқи савдо айланмаси 445,1 млн доллар бўлган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич 776,9 млн долларга ортди ва ҳоказо.

*Иккинчи босқич.* Йигирма йилдан (2001 йил октябрь.) ортиқ вақт мобайнида, АҚШ қўшинлари Афғонистонда “минтақа хавфсизлиги учун” деган даъво билан ўз қўшинларини жойлаштирди. Бу муддат давомида ҳам Америка қўлловидаги афғон ҳукумати ва диний-фундаменталистик гуруҳлар ўртасида ҳокимият учун курашлар муттасил бўлиб келган. Узок йиллик саъй-ҳаракат ва ортиқча ижтимоий-иқтисодий сарфланмалардан сўнг, ниҳоят, 2021 йил 14 апрелда АҚШ Президенти Жо Байден Афғонистондан 2021 йил 1 майдан бошлаб Америка қўшинларини олиб чиқиб кетилишини эълон қилди [39].

Белгиланган муддатдан бошлаб Америка армиясининг чиқиб кета бошлаши ортидан

Афғонистонда “Толибон” ҳаракати мамлакат ҳудудларини бирин-кетин эгаллай бошлади. Расмий ҳукумат қаттиқ қаршилик кўрсатишига қарамай, лекин кучлар мувозанати тез ўзгара бошлади. Албатта, Толибларнинг яшин тезлигидаги ҳужумлари афғон ҳукумати ва халқаро ҳамжамиятни доғда қолдирди. Ҳеч ким Кобул америкалик ҳарбийлар ва унинг иттифоқчилари олиб чиқилиши жараёни яқунланишидан олдин қулашини кутмаганди [50]. Расман, 2021 йил 15 августда Афғонистон Ислом Республикаси “қулади” ва мамлакат деярли Толибонлар томонидан эгалланди. 6 сентябрда эса эгалланмаган охириги ҳудуд – Панжшер ҳам қўлга киритилиб, Афғонистон тўлиқ “Толибон” назоратига ўтди [37].

2021 йил 17 августдаги биринчи матбуот анжуманида Толибон вакили ислом шарияти асосида бошқариладиган давлат тузиш учун курашишаётгани, қўшни давлатларга даҳл қилинмаслиги, улар ҳеч кимдан қасос олишга уринмасликлари, аёлларнинг шариятдаги ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъкидлаб ўтди [33].

Келтириб ўтилганидек, 2021 йилнинг учинчи чорагидан бошлаб Ўзбекистонга чегарадош Афғонистонда вазият буткул ўзгариб кетди [41]. Аммо бундай ҳолат қачондир бўлиши мумкинлигини инобатга олиб, Ўзбекистон ва бошқа Марказий Осиё мамлакатлари йигирма йиллик тажрибаларга асосида геосиёсий вазиятни мувозанатлаштириб келишган.

Жумладан, Ўзбекистон доимий равишда Афғонистонда тинчлик ўрнатиш масаласига катта эътибор қаратган. Чунончи, 2018 йил Толибон вакиллари билан тинчлик музокаралар олиб борилгани хусусида 2021 йил 27 август куни Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев куйидагиларни келтириб ўтгани эътиборга молик: “Толиблар билан икки йил олдин мулоқот олиб боргандик, ҳали ҳеч бир давлат бу ишни қилмаганда мен улар билан мулоқот қилиш бўйича топшириқ бергандим. Уларнинг Доҳадаги раҳбари Биродар жаноблари ўшанда Ўзбекистон томонига бирорта ўқ отилмаслиги бўйича ваъда берганди. Ваъдасини бажараётгани учун ҳам улар билан мулоқот қилиб туришимиз табиий. Биз учун халқимизнинг тинчлиги керак. Халқимиз тинч бўлиши учун, ким бўлишидан қатъи назар, исталган томон билан гаплашаман. Афғонистонда шундай ҳолат бўлишидан икки йил олдинги таҳлилларимиз далолат берган эди”. Мазкур “Янги Ўзбекистон – янги қўшничилик” тамойилига асосланган муносабатлар янги афғон ҳукумати – Афғонистон Ислом Амирлиги билан келгусида ижобий геосиёсий ва геоиқтисодий алоқалар йўлга қўйилишида асос вазифасини бажаради.

Янги муносабатлар замирида Афғонистон Ислом Амирлиги музокаралар гуруҳи аъзоси ва “Толибон” ҳаракати сиёсий идораси матбуот котиби Муҳаммад Сухайл Шаҳин Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигига Ўзбекистон мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан ўз раҳбарияти номидан табрик мактуби йўллаган. “Биродар Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти ва халқини Мустақиллик байрами билан самимий табриклаймиз. Биз қўшни Ўзбекистон билан самарали ва дўстона муносабатлар ўрнатишни хоҳлаймиз. Ўзбекистон иштирокида Афғонистонда инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш, хусусан, темир йўл ва электр узатиш тармоқларини қуришни давом эттиришдан манфаатдорлигимизни тасдиқлаймиз”, – дейилади мактубда [34]. Бу эса икки томон учун ҳам манфаатли ва энг тўғри йўлдир.

Зеро, қандай бўлмасин, умумий хавфсизлик ва барқарорликни мутаҳкамлаш орқали автомобил ва темир йўллари қуриш, табиий ресурсларни ташийдиган қувурлар ўтказиш, минтақавий ва трансминтақавий савдо-сотиқнинг ривожланиши учун қулай шароитлар яратади [31]. Натижада, Ўзбекистон Термиз – Ҳирот – Карачи йўналишида Ҳинд океанига чиқиш имкониятига эга бўлади.

Марказий Осиё мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиши истикболлари жуда кўп жиҳатдан уларнинг ўзаро иқтисодий интеграциясига боғлиқ. Субрегион давлатлари ўзаро интеграциялашувининг бир қатор муҳим географик омиллари минтақа мамлакатларининг ҳамкорликда фаолият олиб боришини тақозо этади. Ушбу омилларни куйидагиларга ажратиш мумкин:

- ✓ иқтисодий-географик ўрнининг умумийлиги;
- ✓ темир йўл ва автомобиль транспорт тизимининг яхлитлиги ҳамда ўзаро боғланганлиги;
- ✓ йирик дарёлар ва суғориш каналларининг трансчегаравийлиги;

- ✓ тоғли ва текисликли мамлакатлар табиий ресурслари, айниқса, энергия манбаларининг бир-бирини тўлдирувчи хусусиятга эга эканлиги;
- ✓ минтақа халқларининг қон-қардошлиги, тарихий-маданий жиҳатдан умумийлиги;
- ✓ Оролнинг қуриб бориши, чўллашиш, ерларнинг шўрланиши, тоғ музликларининг интенсив равишда эриши, ҳаво ва сув ҳавзаларининг захарли чиқиндилар билан ифлосланиши сингари умумий долзарб экологик муаммоларнинг мавжудлиги;
- ✓ зилзила, сел ва сув тошқинлари, қор кўчкилари ва бошқа табиий офатларга биргаликда қарши курашишнинг зарурати ва ҳоказо [1, Б. 134].

Умуман олганда, сўнгги йилларда минтақа интеграциялашуви йўлида олиб борилаётган ишлар натижасида ягона транспорт, энергетика, суғориш ва кўчириш тизими доирасида минтақа мамлакатларида табиий ва меҳнат ресурсларидан, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмадан, иқтисодий кооперациядан биргаликда фойдаланиш бўйича самарали ҳамкорлик жараёнлари жадал ривожланди, асосан, текислик ва тоғ олди-тоғ худудлари ўртасида худудий меҳнат тақсимоти тизими шаклланди [24].

Қуйида минтақа марказида жойлашган мамлакатимизнинг кўшни Марказий Осиё давлатлари билан геосиёсий муносабатлари таҳлил қилинган.

**Ўзбекистон – Қозоғистон муносабатлари.** Икки мамлакат ўртасида ҳал қилиниши лозим бўлган чегара муаммолари ва низоли худудлар деярли йўқ ҳисоби. Икки мамлакат орасидаги чегаранинг умумий узунлиги 2356,31 км ни ташкил қилади [47]. 2016-2018 йилларда ўзбек-қозоқ чегараларини делимитация – демаркация қилиш бўйича 18 та учрашув амалга оширилган. Аввал эришилган келишувларга мувофиқ, 2019 йилнинг 1-5 июль кунлари Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида Ўзбекистон - Қозоғистон Қўшма демаркация комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Учрашувда давлатлараро чегара демаркацияси бўйича якуний ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича ишлар давом эттирилди. Шу жиҳатдан, 2021 йил майда томонларнинг келишуви билан Тошкент вилоятининг икки давлат чегарасидаги умумий майдони 795,62 гектар бўлган Боғис ва Хиёбон аҳоли пунктлари ерлари Қозоғистонга ўтказилди [45]. Маълум қилинишича, Боғис қишлоғининг бир қисми 2002 йилда Ўзбекистон биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан имзоланган «Ўзбекистон–Қозоғистон Давлат чегарасининг алоҳида участкалари тўғрисида»ги икки томонлама шартномасига мувофиқ, Хиёбон қишлоғи эса Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳукуматлараро комиссиясининг 2004 йилдаги баённомасига асосан ўзаро алмашишга келишилган ер майдони ҳисобланади. Қайд этилишича, икки томон келишган бўлишига қарамай, Боғис ва Хиёбон қишлоқлари йиллар давомида автоном худуд бўлиб келган. Аҳолининг бир қисмида Қозоғистон, қолганида эса Ўзбекистон ҳужжатлари бўлган. Шу боис, қишлоқлар аҳоличининг иқтисодий-маданий фаолиятида муаммолар юзага кела бошлаган. Шундан сўнг, Туркистон вилояти маслаҳати Кенгаши 2021 йил апрелда ҳукуматга томонларнинг келишуви билан Ўзбекистондан Қозоғистонга ўтган ерларни қўшиб, минтақа чегараларини ўзгартириш таклифини киритади. Сўнгра 2021 йил 17 майда Қозоғистон ҳукуматининг 326-сонли Қарори билан икки қишлоқ Туркистон вилоятига худудий жиҳатдан демаркация қилинади [52].

Қолаверса, 2019 йил июлда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида янги давлатлараро туташув пункти очилди (15), 2021 йил январда Туркистон-Чимкент-Тошкент тезювар темир йўли қурилишида келишувга эришилди [51]. Мазкур йўл Ўзбекистоннинг Россия ва Европага чиқиш имконияти янада мустаҳкамлашга имконият яратди.

**Ўзбекистон-Туркменистон муносабатлари.** Туркменистон маданий жиҳатдан Ўзбекистонга кўп томонлама ўхшаш бўлиб, узоқ йиллардан буён илиқ қўшничилик муносабатлари ўрнатилган. Жумладан, 1996 йил Туркменистонда Тажан-Сарахс темир йўли қуриб, фойдаланишга топширилган бўлиб, мазкур 133 км узунликдаги темир йўлни қуришда Ўзбекистон катта молиявий ва техник ёрдам кўрсатган [2, Б. 81].

Туркменистон билан Ўзбекистон ўртасидаги чегара узунлиги 1831,49 км га тенг (12). Унинг 9/10 қисми аҳоли сийрак бўлган текислик-чўл зонасига тўғри келади. Мустақилликдан сўнг икки мамлакат ўртасида ер-сув масалларида кескин зиддиятли вазиятлар вужудга

келмаган. 2016-2018 йилларда чегара масалалари бўйича 9 март учрашув ташкил қилинган. 2018 йил апрелда ҳудудлараро ҳамкорликни ривожлантириш, савдо уйлари очиш, ишбилармонлар кенгаши ташкил этиш бўйича, шунингдек, транспорт, транзит, қишлоқ хўжалиги, фан-техника, касаба уюшмалари, спорт ва бошқа соҳаларга доир 17 та ҳужжат имзоланди. Бундан ташқари, ташриф доирасида олий ўқув юртлари ўртасида ва ахборот-коммуникация соҳаларида 15 та ҳужжат қабул қилинди [54]. Бу эса кейинги ҳамкорлик алоқалари учун пойдевор вазифасини бажарди. Шунингдек, 2019 йилнинг 24-30 август кунлари Туркманистоннинг Туркманобод шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ва Туркманистон ўртасидаги Давлат чегараси делимитация ва демаркация масалалари бўйича Ўзбекистон-Туркманистон ҳукуматлараро кўшма комиссияси ишчи гуруҳларининг навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди ҳамда мунозарали ҳудудларни бартараф этиш бўйича келишувлар амалга оширилди [53]. Икки мамлакат ўртасида геосиёсий муносабатларнинг дўстона йўлга қўйилиши натижасида барча соҳаларда ҳамкорлик алоқаларининг ўсиши қайд қилинмоқда.

**Ўзбекистон – Тожикистон муносабатлари.** Бу икки давлат қадимдан муштарак тарихга эга. Лингвистик жиҳатдан бир-биридан фарқ қилсада, маданий жиҳатдан ўзаро уйғунлик халқларни бирлаштиради. Сув ресурслари ва энергетика масалалари бўйича Ўзбекистон Тожикистонга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлса, Тожикистоннинг хорижга чиқишида Ўзбекистон асосий транзит коридори бўлиб хизмат қилади.

Мустақилликнинг дастлабки ўн йиллигида террористик ҳаракатларнинг Ўзбекистонга оқимини тўхтатиш учун айрим чегара ҳудудлари миналаштирилган эди. 2018 йилда Ўзбекистон ва Тожикистон ҳукуматлари ўртасида ўзаро чегара ҳудудини миналардан тозалаш бўйича келишувларга эришилади ва кўплаб чегара зоналарини миналардан тозалаш ишлари олиб борилиши натижасида мазкур низоли масала бартараф этилди.

Шу йили Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги чегара масалалари бўйича ҳамкорлик йўналишлари ва истиқболлари таҳлил қилиниб, мунозарали масалалар кўриб чиқилди. Жумладан:

1) Тожикистон ва Ўзбекистон ўртасидаги икки томонлама муносабатлар 1993 йил 4 январдаги “Дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик тўғрисида”ги Битимга, 2000 йил 15 июндаги “Абадий дўстлик тўғрисида”ги Битимга ва “Тожикистон Республикаси билан Стратегик шериклик тўғрисида”ги Битимга асосланади;

2) Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси 2018 йил 17 август кuni Тожикистон ва Ўзбекистон давлат чегарасининг алоҳида участкалари тўғрисидаги Битимни ратификация қилиш тўғрисида ноталар алмашдилар. Шунга асосан Фарход тўғонининг шартномавий ва ҳуқуқий мақоми аниқланди, унга кўра тўғон ҳудуди Тожикистон ихтиёрида, Фарход ГЭС инфратузилмаси Ўзбекистон ихтиёрида қолди. Тўғон хавфсизлигини таъминлаш учун Тожикистон, унинг сақланиши учун Ўзбекистон жавоб беради;

3) “Савдо, транзит ва транспорт-коммуникация ҳамкорлигини ривожлантириш ва ҳудудлараро ҳамкорлик тўғрисида”ги ҳукуматлараро Битим (2018 йил 9 март) ва “Чегара назоратчилари фаолияти тўғрисида”ги Битим (2018 йил 17 август) асосида амалга оширилади. Шу муносабат билан Тожикистон ва Ўзбекистон ўртасида 17 та чегара пунктларининг фаоллаштирилиши ва фуқароларнинг икки кундан 30 кунгача визасиз бўлишини белгилаш икки мамлакат халқлари ўртасида алоқа қилиш учун янги шароитлар яратади ва ҳ.к.

Бундай муносабатларнинг илиқлашуви, чегара омили давлатлараро муаммоларни ҳал қилишга, трансчегаравий, транзит ҳамкорликни ривожлантиришга ва минтақада интеграция жараёнларини кенгайтиришга ҳисса қўшади ва чегара масалаларини ҳал қилиш давлатлараро низоли омилларни йўқ қилади [3, -Б. 141-143]. Айни пайтда, транспорт соҳасидаги ҳамкорлик кенгайди. Тожикистон билан тўғридан-тўғри авиақатновлар тикланди. Товар айирбошлаш ҳажми ошмоқда, чегараолди ҳудудлар ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланмоқда, маданий-гуманитар соҳадаги муносабатлар фаоллашмоқда.

**Ўзбекистон – Қирғизистон муносабатлари.** Ўзбекистонга чегарадош давлатлар ичида энг кўп низоли нуқталар Қирғизистонга тегишли. Жумладан, чорак асрдан кўпроқ вақт давомида

Барак қишлоғининг халқаро анклав сифатида Ўзбекистон ичида мавжуд бўлиши, шунингдек, Қирғизистон ичида тўртта ўзбек эксклавининг жойлашуви анклав/экслав ҳудудлардан геосиёсий босим ўтказиш воситаси тарзида намоён бўлган. Чегараларнинг, асосан, тоғ ва тоғ олди ҳудудларидан ўтиши уларнинг белгиланишида мунозараларни келтириб чиқарган эди.

Шу жиҳатдан, 2021 йил 24-25 март кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ҳукуматлари делегацияларининг Ўзбекистон – Қирғизистон Давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш бўйича қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Музокаралардан сўнг Кўк-Серек, Бойистон, Оқ-Тош, Қора-Белес, Ғовасой, Ўнғартоғ ҳудудидан Қирғизистонга низоли кичик ҳудудлар ўтказиш лойиҳалари белгиланган, бунинг эвазига Ўзбекистон Кампирровот сув омборидан фойдаланиш ҳуқуқини олади [48], қолаверса, Ўртатўқай сув омбори ҳудудий жиҳатдан Қирғизистонга ўтказилган бўлсада, сувининг 95 фоизидан ортиғидан ўзбеклар фойдаланиши белгиланган [44]. Шунингдек, давлатлар ўртасидаги низоли ҳудудларни бартараф этиш орқали ташқи иқтисодий алоқалар ва анклав/экславлар билан боғлиқ муаммоларга ижобий ечим бўйича келишувлар амалга оширилди. Хусусан, Риштон – Сўх йўлининг қайта очилиши катта аҳамиятга эга бўлди. Чунончи, Қирғизистон ҳудуди орқали Ўзбекистоннинг Сўх эксклавига ўтиш яқин чорак аср давомида анча қийинчиликларни келтириб чиқарган. 2019 йил 30 августда, расман, “Риштон-Сўх” йўли очилишига қарамай, 2014 йилдан буён Қирғизистон аъзо бўлган Евросиё иқтисодий иттифоқига Ўзбекистоннинг аъзо эмаслиги натижасида у билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш лозимлигини таъкидлаб, икки кундаёқ йўл яна беркитиб қўйилади [40].

Минтақавий интеграцияни мустаҳкамлаш мақсадида кўплаб муҳокамалардан сўнг, Ўзбекистон Президенти 2020 йил 11 декабрь мамлакатнинг ЕОИИ ташкилотига кузатувчи давлат сифатида қўшилишини эълон қилди [32]. Қирғизистон билан чегара-божхона масалалари қайта кўриб чиқилиб, 2021 йил 1 апрел куни Фарғона вилояти ва Қирғизистоннинг Баткен вилоятлари орасида “Риштон” (“Қайтпас”) ва “Тул” (“Этикчи”) чегара постлари фаолияти тантанали маросим билан тикланиб, Қирғизистон орқали ўтган Риштон-Сўх йўли қайта очилди [49]. Натижада, Сўх анклави ва она давлат ўртасидаги транспорт муаммоси бартараф этилди (2-расм).

Минтақадаги бошқа мамлакатлар ҳам ўзаро ҳар томонлама алоқаларни амалга ошириши энг самарали йўл ҳисобланади. Гарчи, 2021 йилда Тожикистон ва Қирғизистон ўртасида Ворух анклави атрофидаги ер-сув масалалари бўйича тўқнашувлар юзага келган бўлсада, қўшни давлатларнинг тинчликка амал қилиш бўйича кўрсатмалари асосида низонинг бартараф этилиши аҳамиятли бўлди. Шу каби ҳолатларни инобатга олиб, Марказий Осиёда геосиёсий вазиятларни тизимли таҳлил қилиб борувчи ҳамда уларни мувофиқлаштирувчи сиёсий институтларни ташкил этиш лозим ҳисобланади.

Зеро, минтақавий ҳамкорликнинг кучайиши, бу — объектив, барқарор ва ортга қайтмас тенденциядир [46]. Шунингдек, Ўзбекистон ўзининг макроиқтисодий ўрни ва геосиёсий мавқеини тобора мустаҳкамлаб бормоқда. Мустақил давлатлар ҳамдўстлигининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, турли тармоқларда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, транспорт-коммуникация ва транзит салоҳиятини рўёбга чиқариш, хавфсизликни мустаҳкамлаш, маданий-гуманитар алмашинувларни кенгайтириш бўйича катта имкониятларни қўлга киритди. Қолаверса, 2020 йил декабрда МДХ давлатларининг навбатдаги саммитига раислик қилиши мамлакатнинг геосиёсий ҳолатини янада мустаҳкамланишига хизмат қилди [36]. Айниқса, ушбу саммитда Ўзбекистон ҳукумати томонидан мамлакат умумий муаммоларни ҳал қилишга янги, ностандарт ва ўзаро манфаатли ёндашувларни биргаликда ишлаб чиқиш ва амалга оширишга тайёрлиги таъкидланиб, Ҳамдўстлик доирасида “яшил” ва соддаштирилган йўлақлар амалиётини кенг жорий этиш, электрон савдони ривожлантириш бўйича ягона платформани ишга тушириш ва “йўл харитаси”ни қабул қилиш муҳимлиги қайд этилди [38].

Қолаверса, Ўзбекистон 2001 йилдан буён Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо. Тинчлик ва қўшничилик алоқаларини кучайтириш, терроризм ва экстремизмга биргаликда курашиш, иқтисодий ва хавфсизлик масалалари юзасидан ушбу ҳамкорлик орқали кўплаб

муаммоларнинг ечимига эришилди ва мамлакат қитъада ўзига хос геосиёсий яхлитликнинг бир қисмига айланди. Чунончи, 2022 йили ШХТнинг навбатдаги саммити Самарқандда ўтказилиши натижасида, бартараф этилиши лозим бўлган масалалар ҳам кўриб чиқилади, шунингдек, дунё нигоҳининг Ўзбекистонга қартилиши баробарида эса янги қулайликларга эга бўлиш, қулай туристик ва инвестицион муҳитни намоён қилиш имконияти пайдо бўлади ва ҳоказо.

Айтиш жоизки, жаҳоннинг жуда кўплаб минтақаларида маданияти ва хўжалик тузилиши бир-бирига яқин мамлакатлар ўртасида тузилган интеграцион уюшмаларнинг фаолияти жадал кечиши сир эмас. Бу борада НАФТА, ЕИ кабиларни келтириш ўринли бўлади. Осиё қитъасидаги Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши ана шундай платформалардан биридир. Бу ташкилот 2009 йил 3 октябрда Озарбайжоннинг Нахичеван шаҳрида тузилган бўлиб, дастлаб унга Туркия, Озарбайжон, Қозоғистон ва Қирғизистон аъзо эди. Кейинги йилларда мазкур давлатлар билан алоқалар мустаҳкамланди. Олий ва юқори даражадаги ташрифлар амалга оширилди. Бу ташкилотнинг асосий мақсади қардош мамлакатлар ўртасида ишонч ва алоқаларни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодиёт, транспорт, энергетика, туризм ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш, минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаш бўлиб, бундай яхлитликка Ўзбекистон ҳам қизиқиш билдириб, 2019 йил 14 сентябрда Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашини тузиш тўғрисидаги Нахичеван битимини ратификация қилди ҳамда 2019 йил 15 октябрь куни Боку шаҳрида ўтказилган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг еттинчи саммитида илк бор тўла ҳуқуқли аъзо сифатида иштирок этди. Шу борада, қўшма технопарклар, стартап инновация компаниялари ва венчур жамғармалари ташкил этиш, қўшма инвестиция фонди ва туркий давлатлар савдо уйлари биргаликда барпо этиш ташаббусини илгари сурди [37]. Кўриниб турганидек, давлатлараро муносабатларнинг мустаҳкамлана бориши давомида мамлакатлардаги муаммоларга оид ишлар кўрилиб, биргаликда ҳал этила боради. Шу жумладан, Ўзбекистоннинг бу кенгашга аъзо бўлиши ўзаро анклав/эсклав ва бошқа чегара олди муаммолари бўлган қўшни Қирғизистон билан алоқалар янада яқинлашиб, 2018 йилга нисбатан ташқи савдо айланмаси деярли икки баробар ортди (3-чизма).



3-расм. 2015-2020 йилларда Ўзбекистоннинг чегарадош мамлакатлари билан ташқи савдо айланмаси (млн доллар, 2015-2020 йй.)

Ҳудуди ядровий қуролдан ҳоли бўлган, қўшничилик сиёсатини қўллаб-қувватлаш позициясида илдам бораётган Ўзбекистон сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш, иқтисодий ривожланишга эришиш учун, аввало, Марказий Осиёдаги геостратегик ҳолатини янада мустаҳкамлаши ҳамда ички имкониятлардан тўлароқ фойдаланган ҳолда, жаҳон хўжалиги учун турли хил экспортбоп маҳсулотларни кўпайтириши мақсадга мувофиқ.

Марказий Осиё давлатлари халқаро муносабатларда тенг ҳуқуқли субъект сифатида ўз миллий манфаатларини ҳимоя қила олиши, минтақадаги фаол ва қудратли давлатлар билан муносабатда мувозанатни йўқотмаслик учун ҳам ташқи сиёсатнинг аниқ йўналишларини белгилаб олиши лозим. Бунинг учун:

✓ **Биринчидан**, Марказий Осиё давлатларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий соҳаларда танлаган йўли демократик, очиқ бозор, инсонпарварлик ва инсон ҳуқуқларининг ҳурмат қилиниши тамойилларига асосланган бўлиши лозим. Танланган йўл ўзига хос характерга эга бўлгани билан очиқ жамият ва демократик давлатларнинг бу борадаги принципларига мувофиқлиги ўзига хос аҳамият касб этади.

✓ **Иккинчидан**, Марказий Осиё давлатлари турли грантлар ташкил қилиш орқали ёшларни Россия, Жанубий Корея, Япония, АҚШ ва Европа мамлакатларига ўқишга жўнатиши, олимлар ва тадқиқотчилар, турли университет ва илм масканлари ўрасида кенг алоқаларни йўлга қўйиши керак. Жумладан, Ўзбекистонда хориждаги етакчи университетлар, илмий марказлар ва бошқа ташкилотларда кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш, ижтимоий соҳа, давлат бошқаруви ва иқтисодиётнинг устувор тармоқларининг юқори малакали мутахассисларга бўлган ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси ташкил этилиб, 4000 ўриндан кам бўлмаган миқдорда, Жамғарма стипендияларига ажратилган умумий ўринларнинг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдорини магистратура ва докторантурада ўқиш учун ажратилиши [29] истиқболдаги улкан янгилик ва ислохотларнинг пойдеворидир.

✓ **Учинчидан**, Марказий Осиё давлатлари минтақада турли ҳудудий муаммоларни дипломатик йўллар билан ҳал қилиши жуда муҳимдир. Кейинги йиллардаги бундай муносабатларнинг ижобий тарзда ва илиқлик билан ҳал этилаётгани минтақанинг тобора яхлит ва умумий геосиёсий макон сифатида шакллантира боради.

✓ **Тўртинчидан**, Марказий Осиё давлатлари, айнан, яхши кўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик тамойиллари асосида савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар соҳаларда, хавфсизлик ва барқарорлик масалаларида ўз салоҳиятини янада самарали амалга оширишлари муҳимдир.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб **хулоса** қилиш мумкинки, яхлит, ягона минтақада жойлашган кўшни давлатларнинг интеграция ва умумийлик асосида жаҳон хўжалигида фаол қатнашиши ҳар жиҳатдан самарали жараёндр. Шу билан биргаликда, миллий ва хўжалик хусусиятлари нуктаи-назаридан бир-бирига маданий-иқтисодий жиҳатдан ўхшаш бўлган давлатларнинг ўзаро ҳамкорликда фаолияти ўзига хос таракқиёт платформасини ҳосил қилишига шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас.

### Иқтибослар/ Сноски/ References:

1. Catudal M. The Exclave problem of Western Europa. "University of Alabama Press", 1979.
2. d'Oliver F. International Enclaves and the Question of State Servitudes // International and Comparative Law Quarterly, 1955. April. № 4. – P. 297-307.
3. Fazendeiro B. Nationalism in Central Asia: a biography of the UzbekistanKyrgyzstan boundary/ Ed.: N. Megoran. – Pittsburgh: "Pittsburgh University Press", 2018. -P. 368.
4. Gabdulhakov R. Geographical Enclaves of the Fergana Valley: Do Good Fences Make Good Neighbors? // Central Asia security policy brief. № 14, - Pp. 1-7, 2015.
5. Megoran N. The Border of Eternal Friendship? The politics and pain of nationalism and identity along the Uzbekistan-Kyrgyzstan Fergana Valley Boundary, 1999–2000. PhD thesis. – Cambridge, 2002.
6. Musayev P., Musayev J. O'zbekistonning iqtisodiy va ijtimoiy geografiyasi [darslik]. Toshkent : "Sharq", 2010. -B. 160. ISBN: 978-9943-00-157-2

7. Pietkiewicz M. Borders of the Central Asian countries under the international law. *Nowa Polityka Wschodni*, vol. IV, no. 15. – Pp. 30-42, December 2017.
8. Raton P. Les Enclaves // *Annuaire français de Droit International*, 1958. – Pp. 186-195.
9. Robinson G.W. Exclaves. vol. 49, "Annals of the Association of American Geographers", 1959. – P. 283-295.
10. Sharipov M., Fedorko V., Safarova N., Rafiqov V. *Geografiya [darslik]*. – Toshkent : "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi", 2017. – 160 b.
11. Shuler E. *Turkestan. Notes of a journey in Russian Turkistan, Khokand, Bukhara and Khiva.* – New York, 1876. Volume 1. - P. 416.
12. Whyte R.B. An historical and documentary study of the Cooch Behar enclaves of India and Bangladesh [Book] / Ed. Sudhir Roy. – Melbourne : "Posterra crescam laude", 2002. - ISBN: 0734022085.
13. Аламанов С. К. Анклавы в Центральной Азии: История вопроса и современные проблемы / *Постсоветские исследования*. т. I, № 5, - Стр. 451-459, 2018.
14. Аубакирова А.А., Кренгауз И.Н. Экономические аспекты региональной идентичности постсоветской Центральной Азии. *Central Asian Economic Review*. 2020; (3): –С. 8-19.
15. Винокуров Е. Ю. Теория анклавов. – Калининград: "Терра Балтика", 2007. - Стр. 342. ISBN: 978-5-98777-015.
16. Жалилов А. Т. Геосиёсат / *Мухаррир: К. Куранбаев.* – Тошкент: Академия, 2020, -Б. 244.
17. Жалилов А.Т. Геосиёсат ва геостратегия. – Т.: Академия, 2020. – Б. 164.
18. Жумаханов Ш. З. Фарғона водийси чегара худуди муаммолари // *Ўзбекистон География Жамияти Ахбороти / Мухаррир: Солиев А. С.* - Тошкент, 2016 йил, 47-жилд. - Б. 89-93. - ISSN: 0135-9614.
19. Жумаханов Ш.З., Тошпўлатов А.М. Анклавлар назарияси: географик ва геосиёсий таҳлил [Монография] / Масъул муҳаррир: Боймирзаев К.М. –Наманган: "Наманган", 2021. – Б. 146.
20. Рожков-Юрьевский Ю. Д. Понятия "анклав/экслав" и "экслав" и их использование для политико-географической характеристики Калининградской области. *Научные сообщения.* – Стр. 149-161, 2013. DOI 10.5922/2074-9848-2013-2-11
21. Саидов М. *Замонавий геосиёсатда анклав ва экслав муаммолари.* 5A310105 – Сиёсатшунослик: тизимли таҳлил ва истиқболни белгилаш мутахассислиги бўйича магистр даражасини олиш учун тайёрланган маг. дисс. – Тошкент, 2011.
22. Сафарӣ Анвари. *Масъалаҳои сарҳадӣ дар сиёсати хориҷии ҷумҳурии Тоҷикистон [Диссертация].* 07.00.15 - таърихи муносибатҳои байналмилалӣ ва сиёсати хориҷӣ (илмҳои таърих). Душанбе, 2020. – Стр. 193. URL: <https://tnu.tj/DisserPhD/6D.KOA-030/SafariA/SafariA.pdf>
23. Сафоев С.С. *Марказий Осиёдаги геосиёсат [Монография] / Масъул муҳаррир: Рустамов Т.* –Т.: "Патент пресс", 2005. – Б. 158.
24. Суёнов М. *Қадимий ва навқирон Сўх.* – Фарғона, 2004.
25. Тошпўлатов А. М. Анклав/экслав худудлар: географик ва геосиёсий таҳлил [Конференция материаллари тўплами] // *Ўзбекистонда илм-фан ва таълим / Мухаррир: Усмонов Ш. Ю.* – Қўқон, 2020. – 97-102 б.
26. Федорко В.Н. Водный фактор во взаимоотношениях Узбекистана с сопредельными странами Центральной Азии: современные реалии, тенденции, перспективы // *Замонавий географик тадқиқотларда худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ва инновацион ривожланиши, табиатдан оқилона фойдаланиш ва туризм масалалари: халқаро илмий-амалий конференция материаллари.* – Нукус, 2021. – С. 152-158.
27. Федорко В.Н. Процессы трансграничного взаимодействия в странах Центральной Азии: новый этап // *Балтийский регион – регион сотрудничества-2018: проблемы и перспективы трансграничного сотрудничества вдоль западного побережья России. Материалы Международной научно-практической конференции.* – Калининград, 2018. – С. 100-112.

28. Хўжанов Б. Миллий муносабатлар: геосиёсат ва геомафкура мувозанати // Ижтимоий фикр, инсон ҳуқуқлари. Ўзбекистон гуманитар журнали. I жилд. – Тошкент, 2017. - 77 б.

### Электрон манбалар:

29. “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармасининг дастурлари бўйича кадрларни ўқитишни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4091. 04.01.2019. URL:<https://lex.uz/docs/4136570>
30. Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолият концепцияси ўзгариши мумкин. 18.01.2021. URL: <https://kun.uz/news/2021/01/18/ozbekiston-tashqi-siyosiy-faoliyat-konsepsiyasi-ozgarishi-mumkin>
31. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2018 йил 28 декабрь. URL:<https://president.uz/uz/lists/view/2228>
32. Mirziyoyev Sh.: O‘zbekiston Yevroosiyo iqtisodiy ittifoqiga qo‘shilmaydi // central.asia-news.com. [Online] 22.01.2020. URL:[https://central.asia-news.com/uz-Latn/articles/cnmi\\_ca/features/2020/01/22/feature-02](https://central.asia-news.com/uz-Latn/articles/cnmi_ca/features/2020/01/22/feature-02)
33. «Толибон» илк матбуот анжуманини ўтказди. Катта ваъдалар берилди // kun.uz. [Online] 17.08.2021. URL:<https://kun.uz/54101622>
34. «Толибон» ҳаракати Ўзбекистон халқи ва раҳбариятини Мустақиллик байрами билан табриклади // kun.uz. [Online] 01.09.2021. URL:<https://kun.uz/12954275>
35. O‘zbekiston Respublikasining tashqi savdo aylanmasi (2020-yil yanvar-dekabr). URL:<https://stat.uz/uz/matbuot-markazi/qo-mita-yangiliklar/7405-o-zbekiston-respublikasining-tashqi-savdo-aylanmasi-2020-yil-yanvar-dekabr>
36. O‘zbekiston prezidenti raisligida MDH sammiti bo‘lib o‘tdi // kun.uz. [Online] 18.12.2020. URL:<https://kun.uz/uz/news/2020/12/18/ozbekiston-prezidenti-raislighida-mdh-sammiti-bolib-otdi>
37. O‘zbekiston Turkiy tilli davlatlar kengashiga a‘zo bo‘lishi // uza.uz. [Online]. 10.03. 2019. URL:<http://uza.uz/uz/society/o-zbekiston-turkiy-kengashga-a-zo-davlatlar-bilan-an-anaviy--03-10-2019>
38. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti raisligida MDH sammiti bo'lib o'tdi. 19.12.2020. // iiv.uz [Online]. 19.12.2020. URL:<https://iiv.uz/uz/news/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-raislighida-mdh-sammiti-bolib-otdi>
39. Remarks by President Biden on the Way Forward in Afghanistan. The White house. 14.04.2021. URL:<https://www.whitehouse.gov/briefing-room/speeches-remarks/2021/04/14/remarks-by-president-biden-on-the-way-forward-in-afghanistan/>
40. Rishton-So‘x yo‘li nega ochiliboq yopildi? Erta suyungan so‘xliklar dardi // kun.uz. [Online] 06.09.2019. URL:<https://kun.uz/uz/news/2019/09/06/rishton-sox-yoli-nega-ochiliboq-yopildi-erta-suyungan-soxliklar-dardi>
41. Афғонистон — тўлиқ «Толибон» ҳукмига ўтди. Панжшер нега уч кун ичида кулади? // kun.uz. [Online] 07.09.2021. URL:<https://kun.uz/65983501>
42. Зайцев В., Токарева А., Федуненко Е., Чернышева Е. и Шкуренко О. Все анклавы мира, 16.03.2015. URL:<https://www.kommersant.ru/doc/2674108>
43. Зверинцева Т., Ханкишиев И. Анклавы в Центральной Азии: история и современные проблемы, 21.10.2018. URL: <https://novayaerоxa.com/anklavy-v-centralnoy-azii-istoriya-i-s/270761/>
44. Қирғизистон баҳсли ҳудудлар бўйича келишув ҳақида маълум қилди. Ўзбекистон томони бу ҳали «ишчи гуруҳ келишувлари» эканини айтмоқда // kun.uz. [Online] 26.03.2021. URL: <https://kun.uz/news/2021/03/26/qirgiziston-bahsli-hududlar-boyicha-kelishuv-haqida-malum-qildi-ozbekiston-tomon-bu-hali-ishchi-guruh-kelishuvlari-ekanini-aytmoqda>

45. Мамин А. Постановление Правительства Республики Казахстан от 17 мая 2021 года №326 // primeminister.kz. [В Интернете] 25.05. 2021. [Цитировано: 10.06.2022.] URL: <https://primeminister.kz/ru/decisions/17052021-326>
46. Марказий Осиёда ўзаро муштараклик: таҳдидлар ва янги имкониятлар мавзусидаги халқаро конференцияда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А.Камилов нутқи // Халқ сўзи [Оммабоп-сиёсий газета] 19.02.2019. URL: [http://xs.uz/uzkr/post/ozbekiston-tashqi-ishlar-vaziri-markazij-osiyo-hamisha-yagona-va-bolib\\_kelgan](http://xs.uz/uzkr/post/ozbekiston-tashqi-ishlar-vaziri-markazij-osiyo-hamisha-yagona-va-bolib_kelgan)
47. Нёматов И. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан чегараларини расмийлаштириш 2020 йилда тўлиқ ҳал этиш [interv.] // 20.12.2019. URL: <https://kun.uz/news/2019/12/20/ilhom-nematov-ozbekiston-va-tojikiston-chegaralaridagi-minalar-zararsizlantirilishi-qachon-yakunlanishini-aytdi>
48. Садир Жапаров Ўзбекистон билан чегара бўйича музокаралар юзасидан изоҳ берди // kun.uz. [Online] 27.04.2021. URL: <https://kun.uz/news/2021/04/27/sadir-japarov-ozbekiston-bilan-chegara-boyicha-muzokaralarga-izoh-berdi>
49. Тарихий сана: Сўх-Риштон йўлининг очилиш маросимидан репортаж // kun.uz. [Online] 02.04.2021. URL: <https://kun.uz/79631811>
50. Толибларнинг ҳокимиятга келиши. Кобул нима учун бунча тез қулади? // kun.uz. [Online] 18.08.2021. URL: <https://kun.uz/50873170>
51. Туркистон-Чимкент-Тошкент тезюлар темир йўли қурилиши бошланади // kun.uz. [Online] 27.01.2021. URL: <https://kun.uz/70945900>
52. Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида янги давлатлараро туташув пункти очилди // kun.uz. [Online] 30.07.2019. URL: <https://kun.uz/43623275>
53. Ўзбекистон ва Туркманистон давлат чегараси бўйича музокаралар ўтказди // kun.uz. [Online] 30.08.2019. URL: <https://kun.uz/62291231>
54. Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасида 17 та ҳужжат имзоланди // kun.uz. [Online] 23.04.2018. URL: <https://kun.uz/01957949>



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

5 ЖИЛД, 8 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 5, НОМЕР 8

LOOK TO THE PAST

VOLUME 5, ISSUE 8

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,

Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)

ООО Тадқиқот город Ташкент,

улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000